

## **Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Абдиевнинг фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ**

*(солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, Солиқ солиш методологияси масалалари) 01.08.2022-йил ҳолатига*

### **Солиқ қонунчилиги нормаларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарори мазмун-моҳияти, кенг ёритилишини мақсадида жорий йилнинг июл ойида оммавий ахборот воситаларида тушунтиришлар берилди.

Жумладан, ушбу қарор билан солиқ қонунчилигида янгиликлар бўйича Қўмита томонидан “Ўзбекистон - 24” телеканалида ва Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтларида чиқишлар қилинди.

Шунингдек, қарорлар ижроси юзасидан Қўмитанинг ижтимоий тармоқлардаги (телеграм, фэсебоок, инстаграм, твиттер) саҳифаларига маълумотлар жойлаштирилди.

Ижтимоий тармоқлар орқали йўлланган 953 та саволларга тезкор жавоблар тайёрлаб, муаллифларга етказилди. Бундан ташқари, Қўмитага келиб тушган 238 та солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиб, муаллифларга жавоб хатлари юборилиши таъминланди.

### **Солиқ мажбуриятига эга бўлган юридик шахслар томонидан солиқ ҳисоботларини топширилишини мониторинг қилиб бориш**

2022 йил июн ойи учун ҳисобот топшириш мажбуриятига эга бўлган юридик шахслар томонидан қўшилган қиймат солиғи, аксиз, фойда, айланмадан олинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботларини тақдим қилиниши таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди.

**Айланмадан олинадиган солиқ** ҳисоботини республика бўйича **285,2** мингта корхонанинг **1,3** мингтаси (**0,4%**) тақдим қилмаган.

2022 йил июн ойи учун **ҚҚС бўйича** ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **157,5** мингта корхонадан **1,5** таси (**1 %**) ҳисобот тақдим қилмаган.

**Фойда солиғи бўйича** ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **157,5 мингта** корхонадан **9 мингтаси (5,7 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

2022 йил **июн ойи** учун **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** ҳисоботини топшириш мажбуриятига эга бўлган **476,4 мингта** юридик шахслардан **18 мингтаси (3,8 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

2022 йил июн ойи учун **аксиз солиғи** бўйича ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **4,6 мингта** корхонадан **12 таси (0,02%)** ҳисоботни тақдим қилмаган.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **1 984 та** корхонадан **138 таси (7 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

### **Ўзини ўзи банд қилган ходимларни солиқ органларида ҳисобга олиш**

Аҳолини тадбиркорликка янада кенг жалб қилиш орқали ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиқ органларида ҳисобга олиниши юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида ўтган 2022-йил давомида **817,6 минг нафар** фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ органларида ҳисобга олиниши таъминланди.

Жумладан, Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар (*Уйда репетиторлик қилиш, болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш, уй хўжалигини юритиш, хоналарни тозалаш, халқ таъбири, ҳамширалик иши*) **120,1 минг нафар**, Саноат йўналиши бўйича хизматлар (*Ёғоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр монтаж ишлари, макулатура, пластик идиш, темир терсак тўплаш ва қўшимча хомашё тўплаш*) **116,6 минг нафар**, Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар (*Чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда томорқа эгаларига ёрдам бериш*) **319,8 минг нафар**, Ахборот комуникатсия йўналиши бўйича хизматлар (*Ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтларни ишлаб чиқиш, матнни яратиш ва ишлов бериш*) **18,3 минг нафар**, Маиший хизматлар (*Сартарошлик, маникюр, косметолог, педикюр, уйда кир ювиш ва дазмоллаш, калитлар тайёрлаш, поябзал тикиш, таъмирлаш ва бўяш хизматлари*) **196,6 минг нафар**, Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш (*Нон, уйда поп-корн, музқаймоқ, салатлар, салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш*) **45,9 минг нафар** аҳоли бандлиги таъминланди.

Шунингдек, 2022 йилнинг 1-август ҳолатига **168,8 минг нафар** аҳоли томонидан **41 611,5 млн.сўм** ижтимоий солиқ суммаси тўлаб берилган.

**«Ижро.гов.уз» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчма савдо фаолиятига замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳамда савдо автомати орқали чакана савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 августдаги 485-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қарори лойиҳаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 24 июндаги 18/1-83302-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни электрон рўйхатдан ўтказиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон шаклда расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиб, ДСҚнинг 2022 йил 6 июлдаги 26/1-88125-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни янги механизмларини жорий этиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес трансформатсиясида солиқ ва молия органларининг фаол иштироки тўғрисида"ги қарор лойиҳаси тайёрланди ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 14/2-51498-сонли хати орқали Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминланди. Мазкур лойиҳада солиқ соҳасидаги муаммоларни мониторинг қилиш ва халқаро тажриба асосида солиқ маъмурчилиги методологиясини такомиллаштириб бориш бўйича Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Илмий-таҳлилий марказ ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур топшириқ ижросига мувофиқ тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 майдаги 02/1-59411/1-634-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсиясининг Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаменти раҳбари Б.М.Мавлоновга юборилган.